



20 20 у. « 2 » сентябрь

№ Қ-426

«      »      20      г.

**Ангор тумани “Мустақиллик” массиви “Қўштегирмон” маҳалласи худудидан “ANGOR-GULISTON-MEVALARI” МЧЖга замонавий типда томчилатиб суғориш усули асосида иссиқхона қуриш ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 августдаги 05-02/490-сон йиғилиш баёни ва Ангор туман ҳокимининг 2020 йил 03 июлдаги 244/01-19-сон хатини кўриб чиқиб,

### **Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 августдаги 05-02/490-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Ангор тумани “Мустақиллик” массиви “Қўштегирмон” маҳалласи худудидан “ANGOR-GULISTON-MEVALARI” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 315 ва 571қ-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 48,7 балл бонитетли жами 33,41 гектар, шундан 32,77 гектар суғориладиган экин ер ва 0,64 гектар сув ости ерлар билан банд бўлган ер майдонлари, шундан 5,0 гектар суғориладиган экин ер майдонига замонавий типда томчилатиб суғориш усули асосида иссиқхона қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун 27,77 гектар суғориладиган экин ер майдони доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “ANGOR-GULISTON-MEVALARI” МЧЖнинг бошлиғи З.Бурановга:  
иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;  
етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Ангор тумани ҳокимлиги (Ш.Абдуллаев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**